

## Лойиҳа консорциуми

### Мақсадли ОТМ



Абу Райхон Бериуний номидаги  
Тошкент давлат техника университети  
Ўзбекистон

### Европалик иштирокчилар

#### Шартнома тузган муассаса



Берлин техника университети  
(авиация ва космонавтика Институт),  
Олмония

#### Мувофиқлаштирувчи



ECM-Office компанияси,  
Олмония

#### Ҳамкор



De Nayer instituut - Lessius,  
Бельгия

#### Қўллаб-қувватловчи ташкилотлар - Ўзбекистон тарафидан консорциум аъзолари



- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
- «ТАИЧБ» ДАЖ
- ЎЗР ФА Астрономия институти

## Лойиҳа натижалари

- «Ракета-космик техникаси асослари» ва «Космик технологиялари асослари» янги ўқув фанлари ҳамда уларга тегишли касбга йўналтирилган «CAD/CAM/CAE асосида лойиҳалаш» фан модули тегишли ўқув қўлланмалари билан яратилиб ТошДТУ таълим жараёнига тадбиқ қилинди.
- ТошДТУ Авиация факультетининг ўқитувчилари ва талабалар пилот гуруҳлари иштирокчилари Берлин техника университети (Олмония)да «Космик техникаси» ва «Сунъий йўлдошсозлик» ҳамда DE NAYER Instituut (Бельгия) да «CAD/CAM/CAE асосида лойиҳалаш» йўналишлари бўйича жадаллаштирилган тренинг курсларида тайёргарлик кўрди.



- ТошДТУ Авиация факультетида «Сунъий йўлдошсозлик» ва «Кичик сунъий йўлдошлари назорати станцияси» янги ўқув лабораториялари ҳамда CAD/CAM/CAE компьютер синфи яратилиб ўқув жараёнига тадбиқ қилинди.



## Лойиҳа натижалари

- Олмон ва рус тилларида ёзилган дарсликлар сотиб олинди; маъруза материаллари, амалий ва лаборатория ишлари бўйича услубий кўрсатмалар чоп этилди.
- Лойиҳанинг Интернет саҳифаси ([www.ncr-tgai.eu](http://www.ncr-tgai.eu)) яратилди, унда барча фаолият натижалари бўйича ахборот келтирилган ва кўчириш учун ўқув материаллари архиви ташкил этилган.
- Ишлаб чиқилган ўқув материаллари асосида ТошДТУ Авиация факультетида 3 босқич талабаларини ўқитиш жарёни бошланди.



### Янги ўқув йўналишларининг аккредитацияси:

- Ўзбекистоннинг Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига киритилган «Амалий коинот технологиялари» янги таълим йўналиши (шифр 5525900) бўйича Ўзбекистон Давлат стандарти ишлаб чиқилди.
- 5525900 бакалаврият йўналиши негизда Классификаторга «Коинот технологиялари» (шифр 5A525901) ва «Масофавий аэрокосмик тадқиқотлари» (шифр 5A525902) мутахассисликлари киритилди.

